

# **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ**

**Назарова Салима Каюмовна**

Тошкент педиатрия тибиёт институти

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни

сақлашни бошқариш кафедраси доценти

**Оташехов Зокиржон Исмоилович**

Тошкент педиатрия тибиёт институти

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни

сақлашни бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент Педиатрия тибиёт институти

**Аннотация.** Глобал ахборотлашув даврида шахс камолотини таъминлашда унга таълим ва тарбия бериш қай даражада муҳим бўлса, ўқитиш жараёнини замонавий технологиялар, техник воситалар ва янгича ёндашув асосида ташкил этилиши хам шундай ахамиятлидир. Шу билан бирга инновацион таълимни ташкил этишда асосий субъект таълим берувчи (педагог, ўқитувчи ва мураббий)лар бўлганлиги сабабли уларнинг айрим касбий сифатларга эга бўлишлари талаб килинади. Жумладан, изланувчанлик, фаоллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, мустакиллик, лидерлик, педагогик маҳорат ва тажрибага эгалик, тадқикотчилик шулар жумласидандир.

**Калит сўзлар:** индивидуал, гурухли ва жамоавийлик, мантикий ва танкидий, фаолият, ташқи (объектив) ва ички (субъектив)

**Долзарблиги.** Таълим берувчиларнинг юқорида кайд этилган сифатларга эга бўлишлари инновацион фаолиятни ташкил этишда ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш; мавжуд вазиятга тўғри баҳо бериш; мақбул қарор қабул қилиш; мантикий ва танкидий фикрлаш; таълим олувчиларни ўқиб-ўрганишга рағбатлантира билиш, шунингдек, уларнинг билим, кўнишка, малакаларни индивидуал, гурухли ва жамоавийлик асосида чуқур ўзлаштиришларини таъминлаш; таълим жараёнида фаолият шаклини максадга мувофик танлай олиш; самарали ва таъсирчан усул ҳамда воситалардан фойдалана билиш; шахсий фаолиятни изчил ва доимий тадлил қилиб бориш; янги ғояларни илгари суриш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал килишлари учун қулай шароит яратади. Маълумки, ҳар кандай фаолият самарадорлиги унга таъсир этувчи ташқи (объектив) ва ички (субъектив) омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Инновацион фаолиятни самарали

ташкил этишга таъсир этувчи омилларни объектив ва субъектив омиллар тарзида икки гурухга ажратиш мумкин.

### I. Объектив омиллар:

- илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқариш соҳаларида илғор назарий ғояларнинг илгари сурилиши;
- жамият ҳаётининг турли соҳаларида илғор ютуқларнинг қўлга киритилиши;
- таълим муассасаларида инновацион муҳитнинг яратилганлиги;
- ўқитиши ва тарбия ишларини такомиллаштириш борасида таълим муассасаларига нисбатан жамият томонидан ижтимоий буюртманинг берилиши.

### II. Субъектив омиллар:

- таълим муассасаларида инновацион фаолиятларни йўлга қўйилиши ва илғор назарий ғоя дамда амалий тажрибаларнинг рағбатлантирилиб борилиши;
- ўқитувчиларда инновацион фаолиятни ташкил этишга бўлган эҳтиёж, қизиқиши ва рағбатнинг мавжудлиги;
- мавжуд инновацион янгиликларнинг танқидий ўзлаштирилиши;
- ўзига хос (муаллифлик) инновацион ғояларининг илгари сурилиши;
- ўзлаштирилиши лозим топилган инновацияларнинг истиқболини башоратлай олиш;
- ўқитувчиларнинг ақлий ва жисмоний зўриқишлиарга рудан хамда жисмонан тайёрликлари;
- ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникма, малакаларини ўзлаштирганликлари;
- ўқитувчиларнинг ўз илғор иш тажрибалари ва ютуқларини оммалаштириш малакаларига эгаликлари;
- ўқитувчилар томонидан илғор иш тажрибаларининг тўпланганлиги;
- шахсий илмий-ижодий фаолиятни ташкил этиш мақсади (концепцияси) га эгалик.

Педагогик инновациянинг ижтимоий асоси ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг таълим-тарбия содасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва эҳтиёжларни кондиришнинг максад ва талабларини, ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади. Педагогик инновациянинг мафкуравий асоси унинг миллий истиклол ғояси ва мафкураси тамойилларини ўзида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йўналтирилган бўлишидан иборат. Бунда баркамол инсонни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг фидойи, мустакил фикрлай

оладиган хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли, ижтимоий фаол инсонни вояга етказишдан иборат асосий вазифаларни амалга ошириб бориши ҳар бир педагогик инновация учун долзарб масалалардан ҳисобланади. Педагогик инновациянинг фалсафий асоси унинг максадлари ҳамда ташкилий шакл ва усулларининг фалсафий жидатдан туғри йўналишда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Педагогик инновациянинг дидактик асоси уни таълим-тарбия қоида ва тамойилларига мувофиқлигини белгилайди. Дидактик талаблар таълимтарбиявий вазифаларнинг назарий жиҳатдан тўғри бажарилишини таъминлайди. Педагогик инновациянинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиши унинг юқори самарадорлигини зарурий шарти ҳисобланади. Бунинг учун замонавий дидактиканинг илмий хulosаларидан ижодий фойдаланиш талаб килинади. Бунда педагогик инновациянинг умумий таркибий тузилиши, мазмунни, шакли, усуллари, воситалари, педагогик жараённинг ташкил килиниши, олиб боришлиши, унинг диагностикаси мониторинги, ўкув мавзуу режалар тўғри бўлишидадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Анастази А. Психологическое тестирование в 2-х книгах. - М.: Педагогика, 2022.
2. Андреева Г.М. Методы исследования межличностного восприятия. М.: Изд-во МГУ, 2014.
3. Самохвалова В. И. Культурология: Краткий курс лекций. - Москва, 2022.
4. Федоров А. А. Введение в теорию и историю культур: Словарь. Москва 2015.
5. Долгова Т.В. Смешанное обучение – инновация XXI века. – 2017. – 5: Интерактивное образование. С. 2-8.
6. Майкл Х., Хизер С. Смешанное обучение. Использование прорывных инноваций для улучшения школьного образования. Jossey-Bass. A Wiley Brand. 2015. 343 с.
7. Нагаева И.А. Смешанное обучение в современном образовательном процессе: необходимость и возможности //Отечественная и зарубежная педагогика. – 2016. – № 6. – С. 56–67.